

ТАЛАБАЛАРДА БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Шокирова Гулбаҳор Алимовна
Самарқанд давлат университети
Каттакўрғон филиали ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда таълим муассасаларида амалий таълимни ташкил этишининг моддий техник таъминоти маълум даражада таъминланган бўлиб, унинг методик таъминоти тўлиқ ҳозирги кун талаблари даражасида шакллантирилмаган.

Калит сўзлар: *билим, кўникма, малака, компетенция, муассаса.*

Талабаларда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш самарадорлигини таъминлаш дастурларнинг тузилиши ва мазмуни билан, шунингдек амалий таълим методлари ва воситалари билан узвий боғлиқ. Шунинг учун талабаларнинг ҳар хил касбларни ўзлаштиришларининг асосий психофизиологик қонуниятларини ҳисобга олиб, амалий машғулот ва амалиёт тизимларининг таснифи ва мазмунини илмий ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ўқув режадаги муҳим буғини бу ишлаб чиқариш амалиётидир, ишлаб чиқариш таълими элементларини ва уни ташкил этишининг дидактик жараёнларини илмий таҳлил этишга киришишдан аввал бу жараённинг асосий тушунчаларини кўриб чиқиш, унинг умумий қонуниятлари ва тизимини топиш зарур.

“Ишлаб чиқариш таълими” тушунчасининг талқин этилиши турли муаллифларда турличадир. Бир қатор муаллифларнинг фикрича, ишлаб чиқариш таълимини ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш асосида кўриб чиқиш методологик жиҳатдан тўғридир (С.Я.Батишев, А.П.Беляева, Н.Е. Эрганова, Ш. Авазов, Н.А. Муслимов ва бошқалар) [1].

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади – бўлғуси мутахассисларнинг касбий малакаларини шакллантиришдир. Бу кўникма ва малакалар лаборатория ва амалий машғулотларда, устахонада дарс ўтиш, махсус фанлардан ўқув амалиётларини ўташ ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида шаклланади [2].

Талабаларни касбий фаолиятга самарали тайёрлашнинг етакчи тенденциялари куйидагилардан иборат:

- оммавий, ялпи ўқитишдан индивидуал ёндашувга қараб ҳал қилувчи бурилишни амалга ошириш;
- бўлажак мутахассисларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- талабаларнинг тахлилий фикрлашларини, мустақиллигини шакллантириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик, конструкторлик-ихтирочилик ишларида албатта иштирок этишлари;
- нафақат ўқитиш жараёнини, балки ишлаб чиқариш амалиёти даврида талабаларнинг лабораторияларда, ўқув бирлашмаларда ўтказиладиган конструкторлик-технологик ишланмаларини реал ишлаб чиқаришга яқинлаштириш;
- техник кадрларни тайёрлаш жараёнини компьютерлаштириш;
- ўқув-тарбия, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга узлуксизлик-изчиллик ёндашувини жорий қилиш.

Сўнги тамойил алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки рақобатбардошлик мутахассис шахсининг тизимли сифати ҳисобланади. Шунинг учун таълим тизимидаги таълим фаолиятининг ички ислоҳ қилиниши фаолиятли ёндашувнинг асосий қоидалари билан муқаррар равишда боғлиқдир[2].

Фаолият – бу категория билан боғлиқ бўлган барча нарсаларнинг ривожланиши асосидир. Фалсафа фани нуқтаи-назаридан фаолият тушунчаси материя ҳаракатининг ижтимоий шакли, жамият ва алоҳида бир кишининг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг усули билан ифодаланади. Фаолият доимо анланган бўлади ва ўз ичига мақсад, воситалар, жараён, натижаларни олувчи ўзгармас тузилмага эга бўлади[3].

Бу ҳозирги замон шароитларида қоидага кўра профессионал фаолият деб юритилади. Бу фаолиятда биз илмий билишни, қадриятларни ёки белгиланган вазифаларни англашни, мақсадни белгилашни, тактик ва стратегик режадаги мақсадлар белгиланишини, башоратлаш ва синчиклаб ўрганиш асосидаги башоратлашни, фаолият жараёнининг ўзини ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мақсадларида унинг натижаларини дастурлашни ажратиб кўрсатамиз.

Таълим олаётган шахс учун билишга эҳтиёж, фаолиятнинг турли кўринишларидаги ихтирочилик, мустақиллик ва маъсулият намоён бўладиган ижодий фаолият, меҳнатда, билишда ва мулоқотдаги ташаббускорлик каби хусусиятлар ҳосдир.

Педагог ва таълим олаётган шахсининг ўзаро ҳаракатларида бу хусусиятлар қоидага кўра, бирлашиш нуқтасини топади, бирининг йўналиши иккинчисига ўтади. Мана шунда таълим жараёнидаги икки томонлама фаолият юзага чиқади. Шунга кўра, педагог фаолиятининг ўқитилаётган шахс фаолиятини ўқитишга йўналтирилганлиги бу йўналтирилганликни қайта

ишлаш ва долзарблаштиришда намоён бўлади. Агарда бундай бирлашиш нуқталари мавжуд бўлмаса, ўқитиш жараёни ўз самарадорлигини йўқотади. Шундай қилиб, тарбиялаш ва ўқитишни ўқитувчи ҳамда ўқитилаётган шахснинг ҳамкорликдаги фаолияти сифати деб олиб қараб таъкидлаш мумкинки, у бу жараёнда ишпирок этувчиларнинг ҳар бирининг ўзига хос бўлган хусусиятларга: педагогнинг вазифаси – ўқитишдан, таълим олаётган шахснинг вазифаси эса – ўқиш-ўрганишдан иборат эканлигини кўрсатади. [4;5]

Фаолият воситалари бўлиб меҳнат, мулоқот, ўйин (ролли ўйин), ўқиш, илмий фаолият (билиш) каби фаолият турлари ҳисобланади.

Шундай қилиб, қуйидаги педагогик ҳулосаларга келиш мумкин:

- талабаларни касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш учун бу муаммо назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши зарурдир;

- ўзаро ҳаракатлар, ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муносабатлар мазмуни ўқитувчилар ва ўқитиш воситалари билан ўзаро ҳаракатлар тизимида рўй берадиган талабанинг рақобатбардош мутахассис сифатида шаклланишидан иборат бўладиган фаолиятли ёндашув, фаолият назарияси асосида амалга оширилиши лозим.

Талаба шахси мураккаб саналади. Бундан ҳам кам бўлмаган мураккабликка унинг мутахассис сифатида шаклланиши ҳам эгадир. Мутахассисни тайёрлаш учун мажмуавий ёндашув талаб этилади. Мутахассис фаолият давомида шаклланади. Шунинг учун педагогик жараёни ташкил этиш ва ўрганиш учун унга мажмуавий-фаолиятли ёндашув зарурдир.

Ишлаб чиқариш таълими тизимининг моҳиятини касбга тайёргарликнинг иккинчи малака даражасини қамраб олувчи мутахассис мисолида қараб чиқадиган бўлсак, қуйидаги жараёнлар кўзга ташланади:

1. Талаба аввало асбоблар ва жиҳозлардан фойдаланиш, шунингдек техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилади.

2. Қоидага кўра, муайян меҳнат жараёнининг ўқув намуналари асосида айрим операцияларни бажаришга ўргатилади.

3. Операциялардан мажмуавий фойдаланган ҳолда оддий буюмларни тайёрлашга ўтилади.

4. Бирмунча мураккаб буюмлар тайёрлашга ўргатилиб, кўникма ва малакалар шакллантирилади; вақтнинг ўқув меъёрлари киритилади.

5. Ниҳоят, талабанинг кўникмалари тегишли малака даражасига қадар етказилиб, малакавий ишни бажарганидан кейин даража берилиб, шу орқали касбий функцияларни мустақил бажаришга ижозат берилади [5;20].

Ишлаб чиқариш таълими тизимининг бундай умумлашган тавсифи бир қатор ҳулосалар чиқаришга имкон беради:

1) амалий таълим тизимининг асосий элементи сифатида унинг муайян кетма-кетликдаги мазмуний таркибий қисмлари намоён бўлади;

2) мазкур тизимда мазмуний параллеллик, яъни асосий технологик операциялар билан ишлаб чиқариш фаолияти қисмлари ўз аксини топади;

3) тизим бир пайтнинг ўзида параллел-поғонали, яъни эгалланаётган касбга боғлиқ ҳолда асосий параллеллар ва кетма-кет изчилликдаги босқичлар бир-бирдан жиддий фарқ қилиши мумкин.

Демак, энг умумий ҳолатда малакали кадрлар тайёрлашда кетма-кет келадиган амалий тайёргарликнинг қуйидаги изчил босқичли тизимини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) касбни назарий ўрганиш мантиғида амалий кўникмалар ҳадисини олиш бошланадиган амалий-лаборатория ишлари;

2) махсус технология курслари билан боғланган ва қоидага кўра таълим муассасаси шароитида амалга ошириладиган ўқув амалиёти;

3) корхона, ташкилот ёки муассаса шароитида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш амалиёти.

Амалий тайёргарликнинг юқорида келтирилган тизими бир неча ўн йиллар илгари касб-хунар таълими муассасалари педагог ва муҳандис-педагогларининг куч-ғайратлари билан яратилган ва амалиётга жорий этилган [1], бироқ унда амалий таълим мазмунининг тузилишини аниқловчи, яъни айнан мазкур тузилиш моҳиятини белгиловчи омилларнинг моҳияти ўз аксини топмаган.

Талабаларнинг келгуси фаолиятларини ва уларнинг тайёргарлик даражасига талабларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш таълими жараёнлари мақсадларини тавсифлаш, битирувчиларнинг касбий-шахсий моделлари, кичик мутахассислар тайёрлашнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлар каби ўқув-методик ҳужжатларда амалга оширилади.

Ўқитиш мазмуни ўқув дастурлари ва режалари билан, шунингдек ишлаб чиқариш усталари ва талабалар машғулотларда фойдаланиладиган дидактик материаллар билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. J.Yo'ldoshev, S.Usmonov, "Pedagogik texnologiya asoslari", T., 2004.
2. J.Yo'ldoshev, "Ta'lim yangilanish yo'lida", T., 2000.
3. Ptiyukov V.Yu., "Osnov pedagogicheskoy texnologi", M., 1999.
4. www.tests-tests.com
5. Sobirov Anvar Kuvandikovich. (2019). Inversion as a stylistic instrument in poetic speech. Proceedings of The ICECRS, 3. <https://doi.org/10.21070/icecrs.v3i0.297>
6. Sobirov Anvar Kuvandikovich. (2023). NASRIY ASARLARDA SO'Z TARTIBINING LINGVOPOETIK QIYMATI. Actual Problems in Higher Education in the Era of Globalization: International Scientific and Practical Conference, 5, 91-96. Retrieved from <https://conferenceseries.info/index.php/education/article/view/1528>
7. Hayitmurodova Marjona Bekzod qizi, & Anvar Sobirov Kuvandikovich. (2023). Nasriy va she'riy nutqning o'ziga xos xususiyatlari. Journal of Universal Science Research, 1(9), 212–216. Retrieved from <https://universalpublishings.com/~niverta1/index.php/jusr/article/view/1934>
8. Hayitmurodova Marjona Bekzod qizi, & Anvar Sobirov Kuvandikovich. (2023). The use of phrases in Muhammad Yusuf's poems. American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 1(6), 36–38. Retrieved from <https://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/499>
9. Hayitmurodova Marjona Bekzod qizi, & Anvar Sobirov Kuvandikovich. (2023). TOHIR MALIK ASARLARIDA IBORALARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING XUSUSIYATI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 26(2), 26–28. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/01/article/view/8374>
10. Toshtemirova, & Kuvandikovich, A. S. . (2023). Information about the Life of Souffi Olloyor Considerations On. "ONLINE - CONFERENCES" PLATFORM, 71–72. Retrieved from <https://www.papers.online-conferences.com/index.php/titfl/article/view/1269> (Original work published July 7, 2023)
11. Kuvondikovich, Sobirov A. "The Influence of Word Order on Logical Stress." European Scholar Journal, vol. 2, no. 12, 2021, pp. 97-99.